«Нексия», «Дамас», «Тико»ни ким оларкин?

Самарқандлик ғаллакорлар жорий йилда 167 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Шунинг 93 минг гектари сувли майдонлардир. Вилоят бўйича 458 минг тонна ўрнига 500 минг тонна сара дон ишлаб чиқарилиб, 237 минг тоннадан зиёдини давлат омборларига етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Уруғликка ҳам алоҳида эътибор берилади.

«Нексия» енгил автомашинаси – ҳар гектар ердан ўртача 60 центнердан ва ундан ошириб ҳосил олган туманга берилади. «Дамас» енгил автомашинаси гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил олган хўжаликка тақдим этилади. «Тико»ни камида 80 центнердан ҳосил олган бригада қўлга киритади. Қимматбаҳо совғалар эса ҳар ўн кунда илғорларга бериб борилади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Имконият эшиклари очилмоқда

Ўтган йили Пахтакор туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги санация қилиниб, ширкатчиларга амалий ёрдам уюштирилди. Натижада хўжалик йилни фойда олиш билан якунлади. Санация имкониятлари асосида хўжаликларнинг қаддини тиклашга жорий йилда алоҳида эътибор берилди. Бу йил туманда 7 та хўжалик санация асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираяпти. «Пахтабанк» бошқарувининг туман бўлими жамоаси санация қилинган хўжалик жамоасини маош ҳамда ўғит, техника, эҳтиёт қисмларига кетадиган маблағ билан таъминлаб турибди. Хўжаликларга бириктирилиб, бўлим ходимлари уларнинг иқтисодий шарт-шароитини ўрганишмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ғалла ўрим-йиғимига эътибор

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида бу йилги ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, корпорация, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва банк муассасалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов олиб борди.

Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси раиси Н.Юсупов, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси раиси О.Отаев, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси раиси А. Аҳмедов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Таъкидланганидек, бу йилги ғалла ўрим-йиғимини сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун мавжуд техника ва комбайнлар мавсумга ўз вақтида тайёрланган, уларнинг узлуксиз ишлаши учун сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари заҳираси вужудга келтирилган. Қарорда кўрсатилган 6551 та комбайн қаторига яна 100 та янги «Кейс» агрегати келиб қўшилади. Ғаллани қабул қилиш корхоналарида донни қуритиш, сақлаш ва уруғлик тайёрлаш учун махсус жойлар ҳозирлаб қўйилган. Шу билан бирга, хориждан келтирилган «Кейс» ва «Класс» замонавий ўрим комбайнлари учун зарур айрим мойлаш маҳсулотлари етарли даражада эмаслиги, борлари ҳам шартнома асосида ишлаш тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жойларга ўз вақтида етказиб берилмаганлигига ва бошқа нуқсон-камчиликларга эътибор қаратилди. Ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш, пешма-пеш дон комбинатларига етказиш, техникадан унумли фойдаланиш, маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш юзасидан мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов сўзга чиқди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 10 июнь, пайшанба • № 68 (24.463).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Миллий ғоя ҳақида мулоқот

Кеча Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институти тингловчилари ҳузурида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов, «И. А. Каримов миллий ғоя ҳақида: фалсафий жиҳатлар» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи мамлакат раҳбарининг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари, «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли мусоҳабаси ва Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзуидаги, маърузасида баён этилган йўл-йўриқ, хулоса ҳамда фикр-мулоҳазаларнинг фалсафий қирраларини очиб берди, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

Мустақиллик манзаралари

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Деҳқон кўнгли шодланди

Шаҳрихон туманидаги академик Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари хурсандчилик нашидасини суришяпти. Хўжаликнинг А.Аҳмедов, С. Омонов каби тажрибали деҳқонлари бошчилик қилаётган бригадалари далаларида ғўзалар гуллади.

Асака туманининг «Ғалаба» жамоа хўжалигидаги С. Маҳмудов бошлиқ бригада далаларида ҳам ғўза қийғос гул очди.

Ташаббус беиз кетмади

Навоийдаги «Сардоба–парранда» ҳиссадорлик жамиятида парҳез товуқ гўшти ва тухум ишлаб чиқариш билан бир қаторда чанқоқбосди яхна ичимликлар ҳам тайёрланаяпти. Бу ўринда тадбиркор Мухтор Ҳамятов ташаббусини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Унинг сармояси ҳисобига қурилган кичик цехда ҳар иш навбатида 500 декалитр газланган ва шарбатли сувлар қадоқланяпти. 5 киши меҳнат қилаётган бу ихчам цехда нафақат турли-хил шарбатлар, балки музқаймоқ тайёрлаш ҳам йўлга қўйилаётир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Жовузобод обод бўлади

Бундан уч йил бурун Китоб туманининг Жовуз қишлоғи устига тупроқ кўчкилари сурила бошлаган эди. Шу боис ҳукуматимиз томонидан янги қишлоқ барпо этилди ва 300 оила шу жойга кўчирилди. Аҳоли янги қишлоқни Жовузобод деб атай бошлади. Айни кунларда туман ҳокимлиги жовузликлар истиқомат қилаётган адирларга сув келтирувчи 4 чақиримлик канални бетонлаштириш ишларига бош-қош бўлаяпти. Бу сув исрофгарчилигига чек қўйиш баробарида янги ерлар очиш, экинзорлар, боғлар яратиш имконини беради. Қурилиш ишларини Ҳисорак сув қурилиш трести олиб бормоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суд танаффус эълон қилди

«Ўринларингиздан турингилар, суд келяпти!» Ҳаммамизга яхши таниш бу сўзлар Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳар куни эрта билан баралла жаранглайди. Бу ерда шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президентига ва республиканинг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш, қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очиқ суд мажлиси 9 июнь куни ҳам давом этди.

Судланувчиларнинг барчаси содир этган айбларига иқрорлик билдириб, кўрсатма бериб бўлдилар. Суд мажлисида жабрланувчи ва гувоҳларни сўраш билан бирга шу ишдан алоҳида иш юритувига ажратилган айбланувчи Бегали Султонов ҳам гувоҳ сифатида иш бўйича сўроқ қилинди. Жумладан, у 1976 йилда Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилганлиги, йиллар давомида чет элларда фаолият кўрсатаётган жиноий уюшма бошлиқлари билан мунтазам учрашувларда бўлиб, уларнинг кўпгина топшириқларини мувофиқлаштирувчи сифатида бажариб келганлиги, Чеченистондаги ҳарбий лагерда таълим олганлиги, ҳарбий ўқувнинг тактик курсларида ҳужум қилиш сирларини ўрганганлиги, машғулотлар давомида автоматдан отиш, миналарни портлатиш, гранатамёт ва бошқа кўплаб қуролларни ишлатиш йўлларини мукаммал ўзлаштириб олганлиги, ҳукумат биноларини портлатиш мақсадида кўплаб миқдорда кучли қувватга эга портлагич моддаларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатганлиги, жиноий уюшма томонидан тайёрланган портловчи моддалар билан давлат аҳамиятига молик муҳим иншоотларни портлатиш ниятида бўлганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва республиканинг Конституциявий тузумига тажовуз қилиб, Ўзбекистонда жиҳод ҳаракатлари орқали Ислом Республикасини ўрнатмоқчи бўлганликлари ҳақида тўлиқ баёнот берди.

Шу билан далилларни текшириш тамомланди. Тарафларга: прокурор, адвокатлар, жабрланувчилар ва судланувчиларга музокараларга тайёргарлик кўриш учун 1999 йилнинг 16 июнига қадар танаффус эълон қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
(ЎзА)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Самолёт қулаб тушди

Чехословакияда Британия самолёти қулаб тушди. Ҳалокат Братиславада халқаро авиа шоу ўтказилаётган пайтда содир бўлди. «Қирғий-200» самолётининг учувчиси инглиз Бритон Грехам ҳалок бўлди. Яна бир аёл — томошабин жиддий жароҳат олди. У оғир аҳволда шифохонага олиб келинди. «Қирғий-200» шоунинг энг фахрли иштирокчиларидан бири эди. Учувчи энг қийин ҳаракатлардан бири — ўлим сиртмоғини ясаётганда самолёт бирдан баландликни йўқота бошлаган. Ҳозирча фожеанинг сабаби аниқлангани йўқ. Ё. Грехам самолётни бошқаролмай қолган ёки машина бузилган. Ҳозир иккала тахмин ҳам текширилмоқда. Англияликлар Братиславага ўзларининг самолётини кўз-кўз қилиш учун олиб келган эдилар.

Маҳбуслар тил бириктирди...

Бразилиянинг жазолаш тизими тарихида маҳбуслар кўпчилик бўлиб қочдилар. Сан-Пауло штатидаги алоҳида қаттиқ режимли «Кадейяо-до-Путин» турмасидан бир вақтнинг ўзида 345 нафар хавфли жиноятчи қочиб кетди.

Тахминларга кўра, қамоқдагилар касал бўлган ўртоғига ёрдам кўрсатиш зарурлигини сўраб, назоратчиларнинг бирини камерага алдаб киритганлар ва унинг қўлларини қайириб турма эшикларининг калитларини тортиб олишган. Бошқа бир маълумотда эса жиноятчилар турма назоратчилари билан ўзаро тил бириктиришган, дейилади. Полиция тун бўйи қочқинларни излаш билан банд бўлди, қидирув ҳозир ҳам давом этяпти. Бироқ, ҳозирча улар 40 нафар жиноятчинигина қамоқхонага қайтаришга муваффақ бўлдилар.

Санациями ёки давлатдан фойдаланиш?

Муаммо ечимини кутмоқда

Таҳририятимизга «Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Омон Бекназаров шикоят билан келди. Қўлида бир даста хатлар. Унда жамиятни аввал банкротликка, сўнгра санацияга тушириш ҳақида маълумотлар бор. Ушбу машмашалар сабабчиси иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жўраевнинг 6 январь 1999 йил № 2/93 сонли хатидир. Хатдан кўчирма: «Вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси Сизга маълум қиладики, база маълумотига кўра, Сизнинг корхонангиз тўлов қобилиятини йўқотган». Давомида бир қатор ҳужжатлар сўралган.

«Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жавоб хатида эса жамият омборида мавжуд заҳира дон борлиги, пулга чаққанда бошқарма эътирозлари асоссиз эканлиги, «Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорациясининг қатъий лимити асосида заҳирадаги дон маҳсулотлари қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилиши ҳамда банкдаги мавжуд картотекадаги тўлов талабномалари ўз навбати билан тўлаб келинаётганлиги қайд этилган.

Мазкур корхона 1996 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. 1997 йил август ойидан бошлаб Омон Бекназаров раислик қилиб келмоқда. Омон аканинг айтишича, завод деярли тўхтаган эди. 1998 йилнинг февралидагина унинг биринчи секциясини ишга тушириш муваффақ бўлишган. 1998 йилнинг август ойида Швейцариялик сармоядорлар билан ҳамкорликда Украинанинг Могилёв шаҳрида қурилган «Биллюр» фирмасидан 48 та дастгоҳ келтирилган, ушбу жиҳозлар учун 391 миллион сўм сарфланган. Вилоятда энг сифатли ун ишлаб чиқара бошлаган жамият нега санацияга тушиб қолди, тўғриси, нега санацияга туширишмоқчи?

— Биз ҳам ҳайронмиз. Жамиятимиз тузуккина ишлаб турибди. Дон маҳсулотларини вилоятдаги тайёрлов идораларидан келишув йўли билан оламиз, яъни хомашё олиб тайёр маҳсулот берамиз. Хизмат ҳаққимиз эвазига маҳсулотдан олиб қолиб сотамиз. Асосан ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, айниқса ун қатъий лимит билан чиқарилади. Шу важдан қарзларимиз бор, лекин вақтивақти билан тўлаб келяпмиз, — дейди Омон Бекназаров.

Жамият ихтиёрида ундан ташқари макарон, манная крупа, консерва ҳамда омухта ем тайёрловчи цехлар, бўрдоқичилик фермаси мавжуд. Демак, жамият ўз-ўзини тўла таъминлаш имконига эга. Шундай экан фойда олиш заҳираси мавжуд. Хўш, нега унда санацияга тушириш керак?

— Мен йил якуни ҳамда биринчи чоракдаги ишлаб чиқариш қийматини кўрганимда, пассивлик эмас, активлик мавжудлигини сездим. Бари бир санацияга тушишига сабаб нима эканлигини англай олмадим. Санацияга тушган корхонанинг раҳбари ўз-ўзидан ишдан кетиши аён. Шундай экан кимга-дир жамият раисининг ўзи ёқмадими ёки қилаётган ишими?

— Тўғрисини айтсам, иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси вакиллари, вилоят бошқармасидагилар ҳам «санациядан нега қўрқасизлар, Ахир давлатдан ёрдамни олиб яшайвермайсизларми?!» дейишади. Ўзим ҳам тушунмайман, нега энди ўзимизни-ўзимиз эпласагу давлатдан ёрдам олсак? — дейди жамият раиси.

1999 йил 6 майда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Мазкур низомни Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси М.Т.Умаров ҳамда «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси раиси О. О. Отаевлар имзо чекиб тасдиқлашган. Ушбу низомга кўра мавжуд корхона барча маҳсулот айрибошлаш тизимида умумий суммаси энг кичик коэффициентда — 0,1 ни ташкил этса, у ўз-ўзини таъминлаган ҳисобланади, агар 0,1 коэффициентдан паст бўлса ночор аҳволда деб қайд этилади, дейилган. «Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорацияси раиси ўринбосари С.Б. Ниёзовнинг Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раисига ва Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғига ёзган 1999 йил 3 июндаги 2-1/14-31 рақамли хатида шундай дейилади:

«...Шўрчидонмаҳсулотлари» акционерлик жамиятининг фаолияти таҳлил қилиб чиқилганда (тўлов қобилиятига эгалиги — 136,4; ўз ва ижара маҳсулотлари — 8,3; товар айрибошлаш таъминоти — 0,15; рентабеллиги — 0, 01; ишлаб чиқариш қуввати — 0,65; асосий маҳсулот олиш коэффициенти эса — 0,1) ҳар томонлама иқтисодий барқарор ҳолатда эканлиги маълум бўлади... корхона навбатдаги эмиссиялар ҳисобига устав капиталини 475 миллион сўмга ошириш ва акциялар сотишни, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинадиган фойда ҳисобига 500 миллион сўмга яқин фойда олишни режалаштирмоқда, бунинг учун корхонада барча имкониятлар етарли». Санацияга муҳтож эмас, дея хулоса қилинади расмий хатда.

Йил бошидан бўён ҳал бўлмай келаётган ушбу масалага қайси ташкилот чек қўйиши керак? Санацияга тушириш иштиёқига тушиб қолган вилоят бошқармасининг ҳам ўз эътирозлари, далиллари бордир. Лекин, биз юқори назорат органи эмас, оддий журналист сифатида ёндошдик, мақсадимиз фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини, адолат демократик жамиятнинг юзи эканлигини эътиборга олиб, тегишли ташкилотлар бу масалага холисона ёндашишларига туртки бериш, холос.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Огоҳликка даъват

Одам бўлиш осонмас

16 февраль воқеалари айбдорларининг суди ойнаи жаҳон орқали кўрсатиляпти. Ҳар гал «Ахборот»ни кузатиб бораман. Энди ота-онаси ҳузур-ҳаловатини тотарман деб турганда, номига ҳам доғ тушириб, қилғилиқни қилиб яна кечирим сўраб туришлари кишини ўйлашга мажбур қиладн. Халқимиз «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», дейди. Ахир одам бўлиш учун бандаси неча ёшга кириши керак экан? Бир гал отамдан эшитгандим: «Борнинг боласи ўн бешида бош бўлади, йўқнинг боласи йигирмада ёш бўлади» деган гапни. Портлашлар сабаб қанча одам нобуд бўлди, фарзандлар етим, аёллар бева, ота-оналарни эса фарзанд доғи куйдиради.

Эл қарғишига учраган одамнинг косаси у дунёю бу дунёда оқармайди. Биз ислом дини тарафимиз дейдилару охиратни ўйлашмайдиган нотавонлар улар. Биз ҳам дунёни тушунамиз. Истиқлолимиз эркимизни, озодлигимизни қайтариб берди. Миллатимиз тарихи, асори-атиқалари, маданияти қайтди. Ўзбекман дейиш кишини чўчитмайди энди, балки ғурур бахш этади. Шундай замонлар келишини кута-кута не-не зотлар дунёдан ўтди. Мустақилликни кўриш эса бизга насиб этди.

Айниқса, қўшни Тожикистондаги воқеалар бизни янада огоҳ бўлишга чақирмоқда. Ватанимизни, давлатимизни, миллатимизни озодлигини сақлаб қолиш, мустақиллигини мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун фарздир! Бугунги кунда мардлик муштда эмас, фидойиликдадир.

Элмурод ЭШБОБОЕВ,
Яккабоғ туманидаги А.Абдураззоқов номли жамоа хўжалиги раиси

Чуқур ва атрофлича таҳлил

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Бўстонлиқ туманида 142 мингдан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Ушбу гўзал воҳа халқи нурли келажакка қатъий ишониб, унга фақат ҳалол меҳнат билангина эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Шундан-да, пурвиқор тоғлар бағрида яшаётган бу халқнинг ғурури баланд.

Куни кеча бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Қизғин мунозаралар билан ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда туман партия ташкилотининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари, эришган ютуқлари ва, табиийки, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Конференция кунигача 90 та бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ХДП аъзоларининг меҳнат жамоаларида, турар жойларида, ижтимоий ва иқтисодий, маданий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари, Олий Мажлис ва Республика Президенти томонидан қабул қилинаётган Қонун, Қарор ва Фармонлардан келиб чиқадиган вазифаларни, Халқ демократик партияси олий бораётган сиёсатни тушунтириш ва тарғиб қилишда фаол қатнашаётганликлари қайд қилинган эди.

— Ўтган давр мобайнида кишиларда ЎзХДП фаолиятини кўллаш, унинг сиёсатига хайриҳоҳлик кучайгани яққол сезилди. Буни партиямиз сафига кираётганлар сонининг тобора ошиб бораётганидан ҳам билса бўлади, - деди туман партия кенгашининг биринчи котиби Рихсибой Маҳаматов. - Чунончи, жорий йилнинг 5 ойида 65 нафар янги аъзога партия билетлари топширилди. Ҳисобот-сайловлар давомида бошланғич ташкилот котибларидан 30 нафари янги сайланди, — дея сўзида давом этди биринчи котиб. — 60 нафарини эса партия аъзолари навбатдаги сайлов давригача ўзларига етакчи қилиб қолдирдилар. Бу, албатта, катта ишонч. Ўтаётган йил ҳисобот даврининг ўзига хос хусусияти нимада?

Аввало, ХДП ташкилотида турли соҳа ва миллат вакиллари, жумладан ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар ва бошқа миллат вакиллари аҳил иш олиб боришяпти.

Ҳақиқатдан ҳам туманда бугунги кунда бошланғич партия ташкилотлари сони 90 тага, ҳудудий ташкилотлар эса 36 тага етди. Умумий аъзолар сони эса 3100 кишидан ошган. Ҳар йили ҳисобот даврида аъзолар сони ўртача 150-160 кишига ўсган. Уларнинг мутлақ кўпчилигини 30 ёшгача бўлган ёшлар, аёллар ташкил қилади.

Шу билан биргаликда, конференцияда фаолияти суст, умуман, аъзолари тарқалиб кетган, бор-йўғи 5-6 та аъзога эга бошланғич ташкилотлар ҳам борлиги, чунончи «Форел» хўжалиги, «Гўзал» тикувчилик цехи, «Чорбоғ» пойабзал фабрикаси ва бошқалар «фаолияти» тегишлича баҳосини олди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, «Бўстонлиқ», Абай номли, «Янгиовул», «Хондайлиқ», «Бурчимулло», «Қўшқўрғон» жамоа хўжаликларининг ХДП аъзолари 4-5 йилдан буён аъзолик бадалларини тўламаганини қандай баҳолаш мумкин, ахир?!

Бундан ташқари, туманда фаолият кўрсатаётган 200 дан зиёд корхона, ташкилот, муассасаларнинг ҳаммасида ХДП аъзолари бўлишига эришилмаган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, ҳисобот даврида мавжуд иқтисодий ислоҳотлар жараёнига бардош бера олмай фаолияти тугатилган корхона, ташкилотларда партия аъзолари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг тарқаб кетишининг олдини олиш бўйича етарли даражада фаоллик кўрсатилмаган. Фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳаммасида ҳам биз кутгандек фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлаш ҳис-туйғулари етарлича эмас. Жойларда тузилган маънавий-маърифий марказларнинг ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ишлари самарадорлигини бугунги кун талаблари даражасига етказиш ҳам ўлда-жўлда.

Тўғри, партия ташкилоти «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳам бир қанча ишларни амалга оширди.

Утган йиллар давомида туман кенгаши кекса партия аъзолари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга баҳоли қудрат моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Бунда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими томонидан ўтказилаётган тадбирларни, 20 га яқин қабулхона ташкил этиб, аризаларга эътибор берилганини ҳам тилга олиб ўтиш керак.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов қатнашди ва нутқ сўзлади. Унда Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Агзамов ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокими Абдуманнап Абдувосиқов иштирок этди.

Анжуманда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши таркибига вакиллар ҳамда вилоят партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ташкилий пленумда туман партия кенгаши биринчи котиби этиб Рихсибой Махаматов қайта сайланди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Маҳалла посбонлари»– тинчлик посбонлари

Қарор ва ижро

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари асосида жойларда «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларини биринчилардан бўлиб ташкил этишди. Яқинда ушбу масалалар юзасидан вилоят ҳокимиятида бўлиб ўтган йиғилишда «Маҳалла посбонлари» иштирокида ва ҳатто уларнинг бевосита ўзлари томонидан ҳам айрим жиноятлар очилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ростдан ҳам «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмалари ташкил этилганидан сўнг аҳоли яшаш жойларида содир этиладиган жиноятлар миқдори бирмунча камая бошлади. Шаҳар, туман ва хўжаликлар марказларида турли хил қонунбузарликларнинг олди олинаётир.

Масалан, Дўстлик тумани участка вакили, милиция лейтенанти Жўрабой Эргашев «Тунги гуруҳ»га жалб этилган «Маҳалла посбонлари» аъзоси Файзулла Болиқулов билан «Манас» хўжалиги ҳудудида хизмат қилаётганларида шу хўжаликда яшовчи Улуғмурод Мингитовнинг қўйхонасидан бир қўйни нотаниш киши етаклаб кетаётганини кўриб қолишади. Сўраб-суриштирилганда Омон деган йигитнинг ўғрилиги маълум бўлиб қолади.

Шунингдек, Ғаллаорол тумани ИИБ ходимларига кўмаклашаётган «Маҳалла посбонлари» аъзолари эса туманнинг «Зарбулоқ» ширкатлар бирлашмаси ҳудудида тунда сигир етаклаб кетаётган кишини текшириб, ўғрилигини фош қилишди. Шунингдек, шу туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Баҳром Мусулмонов ва маҳалла посбони Ғайрат Қаюмовлар томонидан кечаси соат 2 ларда от миниб кетаётган шахс текшириб кўрилганида, унинг 1978 йилда Жиззах туманида туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Зафар исмли шахс эканлиги ва Жиззах тумани Улуғбек ширкат хўжалигида яшовчи II гуруҳ ногирони Абдували Маматқуловга тегишли отни ўғирлаб кетаётгани аниқланди.

Биз «Маҳалла посбонлари» аъзолари ёрдамидан унумли фойдаланиш ва улар билан ҳамкорликни кенг қамровли тарзда олиб бориш учун уларни «Тозалаш», «Тўр» каби шартли номланган тадбирларга ҳам жалб қилдик.

Ички ишлар ва ДАН ходимлари ҳамда «Маҳалла посбонлари» иштирокида «Тўр» тадбири ўтказилаётган пайтда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида яшовчи Қобил Ҳамдамовнинг «Москвич» енгил автомашинасида 400 килограмм балиқни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланиб ушланди. Маҳалла посбони Рустам Абдулаҳатов ва милиция ходими Н. Қайлибековлар томонидан тузилган ҳужжатлар айбдорга нисбатан қонуний чора кўрилиши учун прокуратурага юборилди.

«Тозалаш» тадбирида иштирок этаётган «Маҳалла посбони» аъзоси Эркин Илатов милиция ходимлари Ш. Аҳмедов ва М. Эгамовларга довон йўли орқали «Москвич» машинасида 4 яшар новвосни ўғирлаб кетаётган шахслар Жамшид ва Қаҳрамон Деҳқоновларни қўлга олишда жуда катта ёрдам берди.

Қисқаси, мазкур қарор талабаларининг амалга кўчгани жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлишини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.

Аҳмад УСМОНОВ,
Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги

Халқ ижодиёти байрами

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази шу йилнинг 10-12 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Фольклор жамоаларининг бешинчи анъанавий республика кўрик-танлови»ни ўтказишни режалаштирди.

Мазкур кўрик-танлов Низомига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда икки босқичдан иборат беллашувларда ғолиб деб топилган фольклор бадиий жамоалари учинчи босқичда ўзаро ижодий беллашадилар. Республика кўрик-танлови 10 июнь куни Аброр Ҳидоятов номли ўзбек Давлат драма театрида бошланади. Бу танловга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 400 га яқин жамоалар ўз дастурлари билан иштирок этадилар. Бухородан «Мардона», Самарқанддан «Бешқарсак», Сурхондарёдан «Булбулигўё», Қашқадарёдан «Гулчехралар», Сирдарёдан «Сайхун йигитлари», Тошкент шаҳридан «Гавҳар» халқ фольклор-этнографик ансамблари ўз танлов дастурларида халқимиз урф-одатлари, анъаналари ва миллий фольклор қўшиқ ва яллаларидан иборат халқ ижодиётининг ўзига хос томонларини намойиш этадилар. Дастурга биноан танлов қатнашчилари Тошкент шаҳри маҳаллалари ва корхоналарида ижодий учрашувлар ўтказадилар. Шаҳар маданият ва истироҳат боғлари очиқ саҳналарида эса дам олувчилар учун ўз концерт дастурларини ҳавола этадилар. Фольклор жамоалари иштирокчиларининг чиқишларини ижодий баҳолаш учун мутахассис ва олимлардан иборат нуфузли гуруҳ аъзолари тузилиб, улар кўрик-танлов Низомига асосан ўз баҳоларини берадилар. Танлов ғолибларининг якунловчи концерти 12 июнь куни Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек Давлат драма театрида бўлиб ўтади.

Хонзода КЕЛДИЁРОВА

Ишчанликнинг ўзи кифоями?

Навбаҳор Навоий вилоятининг кенжа туманларидан: 80-йиллар бошида ташкил этилган мазкур туман юртимиз мустақиллиги боис кенг ривожланди. Айниқса, кейинги 7 йил мобайнида туманда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашда бир қатор хайрли ишлар қилинди: А. Навоий номли, Й. Охунбобоев номли, «Зарафшон», «Жарқўрғон», «Гигант» жамоа хўжаликлари қишлоқлари хонадонлари «зангори олов»дан баҳраманд. Эндиликда, Дамхўжа сувини келтиришмоқчи.

Шунингдек, туман саноати, қурилишида ҳам туб ислоҳотларга эришилаётир. Қатор турар -жой бинолари, маданий-маиший, маъмурий бинолар фойдаланишга топширилди. Янги касб-ҳунар лицейлари, коллежлар, маданият саройи, клуб, кинотеатр қуриляпти.

Бу ва бунга ўхшаш хайрли ишларнинг барчасида, туман ҳокимлиги билан бир қаторда, сафига қарийб 2 минг аъзони бирлаштирган ЎзХДП туман кенгаши камарбаста.

Конференциядан-конференциягача бўлган даврда аъзолар сони 500 нафарга ортди. Бошланғич ташкилотлар ҳам кўпайган. Куникеча бўлиб ўтган туман партия конференциясида асосан амалий ишлар хусусида ҳисоб берилди.

Ҳисобот маърузаси қилган туман партия кенгаши биринчи котиби А. Пирматов ХДП аъзоларининг 70 фоизи ёхуд 1360 нафари ишчи ва деҳқонлар эканини фахр билан қайд этди. 490 нафари эса ишлаб чиқариш илғорлари — хотин-қизлардир. Конференцияда туман партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳам тингланди. Маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўз олганлар фақат ташаббускорлик ва ишчанликнинг ўзи кифоя эмаслигини, аъзоларда кўпроқ фидойилик ҳислларини уйғотиш лозимлигини таъкидлашди. Конференция қатнашчилари Олий Мажлис XIV сессияси қарорлари, юртбошимизнинг мазкур сессиядаги илҳомбахш маърузаси бу борада асосий дастуруламал эканлигини алоҳида уқтиришди. Конференция кун тартибига кирган барча масалалар кўрилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анжуманда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Бекбўтаев, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р. Ботиров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ташкилий пленумда туман партия кенгаши биринчи котиблигига А. Пирматов қайта сайланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фаоллик – давр талаби

Ўзбекистон ХДП Зомин тумани партия ташкилотининг II конференцияси ўз-ўзини танқид ва ошкоралик руҳида ўтди. Конференцияда кўпроқ партия ташкилоти фаолиятидаги муаммолар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларга эътибор берилди. Партия кенгаши ҳамда тафтиш комиссияларининг ҳисоботларида ана шу руҳ сезилиб турди.

Ҳозир туман партия ташкилотлари ўз сафларига 1910 нафар аъзони бирлаштирган. 60 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Партия аъзолари фаоллиги айниқса, қишлоқ хўжалигида кўпроқ кўзга ташланмоқда.

— Партия ташкилоти ютуқлари кўламини ошириш учун жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириши керак, — деди Ғаллакор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бобоқул Шермонов. — Маҳаллалар, жамоат ташкилотлари катта куч эканлиги ҳаммамизга аён. Улар билан биргаликда, турли тадбирлар ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

— Биз туманимиздаги ютуқларни ХДП аъзоларининг меҳнатисиз тасаввур этолмаймиз, — деди Зомин тумани ҳокими Примқул Соибназаров. — Бироқ, эришилаётган зафарлар ҳали биз кутган даражада эмас. Демакки, партия аъзолари халқ хўжалигининг қайсидир соҳаларида ҳали ҳам бўш ишлаяптилар. Уларнинг жанговарлигини ошириш учун изланиш, омма билан яқиндан мулоқотда бўлиш талаб этилади. Зомин ўзининг ҳудуди ва аҳолиси жиҳатидан йирик туманлардан бири. Шуларни назарда тутадиган бўлсак, партия аъзоларининг сафини оширишда ҳам сусткашлик бор. Бугунги тезкор ва шиддатли давр биздан фаоллик кўрсатиб ишлашни тақозо этади.

Анжуманда туман партия ташкилоти фаолияти истиқболига мўлжалланган устувор йўналишлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгашининг биринчи котиби Илҳом Умрзоқов сўзга чиқди.

Туман партия кенгаши пленумида унинг биринчи котиби этиб Э. Алламуродов қайта сайланди.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Иш ва сўз бирлиги

Сариосиё туманидаги Г. Хидиров номли ширкатлар уюшмаси мамлакатимиздаги намунали хўжаликлардан бири деб тан олиниши бежиз эмас, албатта. Уюшмада жорий йилнинг ўзидаёқ бир қанча хайрли ишларнинг амалга оширилиши бунга мисол бўла олади. Йил бошида Бойсун туманидан 200 бош аъло сифатли жун берадиган оқ эчкилар олиб келинган эди. Дастлабки йилги натижа ёмон бўлмади. Ҳар юз бошидан 90 тадан соғлом улоқ олинди.

Сариосиё туманида қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ижобий ишлар қилинмоқда. Қадимий Эрмат қишлоғида яшовчи 350 хонадонга газ қувурлари кириб борди. Йил охиригача 500 хонадонда «зангори олов» порлайди.

— Уюшманинг илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олиши бежиз эмас, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Қосимжон Холдоров. — Бу ерда иш бир, сўз бир. Изланувчанлик, меҳнатга янгича муносабат ўз самарасини бермоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

Шу кунларда: Пешку, Фориш, Жиззах, Хатирчи, Самарқанд, Ховос, Ш. Рашидов, Гулистон, Тошкент туманлари ҳамда Янгийўл шаҳар партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Пешку тумани ҳокими Қ.Маҳмудов, Фориш тумани ҳокими С. Эшбоев, Жиззах туман ҳокими П. Шукуров, Навоий вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Б. Рустамов ва Хатирчи тумани ҳокими А. Сафаров, Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Самарқанд тумани ҳокимининг биринчи муовини Р.Файзиев, Ховос тумани ҳокимининг биринчи муовини А. Ибодуллаев, Ш. Рашидов тумани ҳокими Р. Элтоев, Гулистон тумани ҳокимининг муовини Д. Эркабоева, Тошкент вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Р. Солиҳов ва Тошкент туман ҳокимининг биринчи муовини Н. Муҳамедов, Янгийўл шаҳар ҳокими Ш. Қорабоев иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, Э.Холов, Ж. Жавлонов, Ў. Ҳамроев, Р. Раббимов, С. Аслиддинов, Х. Жўраев, Қ. Одилов, Т. Мирзатоев, Ш. Баҳодиров, А. Маҳмудовлар сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Маълумки, қадимдан саҳро кемалари — туяларга халқимиз катта эътибор берган. Уни меҳр билан парваришлаган. Ўз-ўзидан равшанки, ундан транспорт сифатида самарали фойдаланилган. Бундан ташқари, туя жунидан ажойиб кийим-кечаклар тайёрланарди. Гўшти ва сути шифобахш дори сифатида кўпчиликнинг дардига малҳам бўлган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳага катта эътибор берила бошлади. Қатор вилоятларда туячиликка ихтисослаштирилган фермалар ташкил этилди. Чунончи, Косон туманидаги «Шомурод ота» фермер хўжалигида ҳам туячиликни ривожлантиришга астойдил киришилган. Фермер хўжалиги аъзолари айни пайтда 350 бош қорамол, 25 та от боқиш билан бирга 40 та туяни ҳам меҳр билан парваришлашмоқда. Айни пайтда туялардан мўл жун қирқиб олиняпти. Соғиб олинаётган сут эса шифохоналарга, болалар боғчаларига берилмоқда. Фермер хўжалиги аъзолари яқин келажакда туялар сонини 200 тага етказиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Зеро бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Суратда: илғор туябоқарлардан Чори Жалилов билан бригада бошлиғи Бахтиёр Равшанов.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

Миллат ва тарих

Туркий қавмлар тамғалари

Ўспирин тахтачани олиб, баданларига ишқай бошлади. Атрофини тумонот одам ўраб олган. Тахтачага аллақандай шакллар туширилган эди. Бола тахтачани бутун баданига ишқаб чиққандан кейин, ўзини паҳлавонлардай ҳис қилиб, мағрур қиёфада ўртадан чиқди. Кейин даврабоши тахтачани бошқа ўспиринга берди...

Бу маросим Австралияда истиқомат қилган аборигенларга тааллуқли ва бу одат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Гап бу ўринда тахтачага туширилган шаклларда. У шакллар аборигенларнинг рамзлари ва тамғаларидир. Аборигенларнинг тасаввурига кўра, аждодларнинг сеҳрли қудрати, тахтача баданга ишқалгандан кейин, ўспиринга ўтади ва бу маросимдан сўнг у навқирон йигитлар қаторига киради. Авлодлар билан аждодларни асрлар оша боғлаб турадиган аллақандай сирли бир туйғу бор бу шаклларда.

759 йили туркий қавмлар хоқони Элетмиш Билга вафот этди. Ўша йили унинг шарафига битигтош ўрнатилди. Элетмиш Билга хоқоннинг битиктошдаги қуйидаги сўзлари, худди аборигенлар ҳаётидаги сингари, туркий қавмларнинг бундан йигирма икки-йигирма уч аср олдинги ҳаётидаги тарихий воқеалардан дарак беради: «Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, белгимни бу ерда ёзиб, тошга ўйдирдим. Қалин тошга ёздирдим». Элетмиш Билга хоқон ёдгорлиги билан деярли бир даврда яратилган Моюн чур битиктошида ҳам қуйидаги тарихий маълумотга дуч келамиз: «Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, белгимни бу ерда ёздирдим».

Бундай тарихий маълумотлар қадимги туркий ёдгорликларда кўп учрайди. Кўп учрайдиган далил эса ҳаётнинг ҳар томонига кириб борган бўлади. Ҳар икки парчада ҳам туркий халқлар маънавий ҳаётида муҳим бўлган икки омил - туркий ёзув ва белги, яъни тамғанинг санаси тўғрисида ҳам маълумот бермоқда. Битиктош муаллифлари ёзув ва тамға тўғрисида сўз юритганларида, шубҳасиз ўз давригача бўлган қадимий жараёндан яхши хабардорлиги аён бўлади. Милоддан олдинги III-II асрда ҳам кенг истефода этилган туркий-рун ёзувининг ва уруғ-қабилаларнинг белгиси бўлган тамғалар хоқоннинг эътиборида. Зотан, ҳар иккала битиктошдаги тарихий маълумотларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини Ўзбекистон заминидан топилаётган далиллар тасдиқламоқда.

Дарвоқе, битиктош муаллифлари ёзув билан бирга тилга олган белгилар - тамғалар нима? Бу тамғалар нимадан далолат беради? Тамғаларнинг туркий халқлар ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлгани, ҳарбий, ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнагани тўғрисида бир фикрга келиш мумкин. Бинобарин, туркий қавмлар ўзлари ўрнашган ҳудудга бўри калласининг тасвирини илиб қўйганлар. Бўри — туркий қавмларнинг нуфузли Ашин уруғининг ҳудоси. Айни пайтда бўри калласи тасвири тамға вазифасини ҳам бажариб, туркий қавмларнинг эътиқодига, туркий қавмлар ватани шу ерда эканига ишора қилади.

Тамғаларнинг туркий қавмлар ҳаётидаги ижтимоий моҳияти кенг микёсли бўлгани Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида яна бир бор таъкидланган. Ўғузхон вафотидан кейин тахтга ўтирган тўнғич ўғил Кунхон Ўғузхоннинг олти ўғлидан туғилган йигирма тўрт шаҳзода ўртасида ихтилоф пайдо бўлмаслиги учун қуйидаги қарорини эълон қилади: «Олтин, нозу неъматлар, қўй сурувларини уларга бахшида этаман. Ҳар бирига биттадан нишон, ном, лақаб ва тамға тайинлайман. Токи ҳар бири ўзига тегишли неъмату одамлардан огоҳ бўлсинлар, жанжаллашиб юрмасинлар. Улардан туғилган ҳар бир зод биз белгилаган русумга риоя қилсин» (54-бет). Тамға — бир уруғнинг одамини бошқа уруғнинг одамини ажратиб туриш учун жорий қилингани бу парчада аён бўлиб турибди. Шунинг учун этногенетик жараёнларни таҳлил ва талқин этишда тамғалар ишончли далиллардан бири бўла олади, деб ўйлаймиз. Ўғуз уруғларидан йигирма иккитасининг тамғалари тўғрисида Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ёзиб ўтган. Рашиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний ҳам «Жомеут-таворих» асарида (XIV асрнинг боши) йигирма тўрт ўғуз уруғининг ҳар бирига тегишли бўлган тамғаларни бирма-бир баён қилади.

Туркий тамғаларнинг яна бир жиҳати — ёзув маданиятининг ривожида муҳим вазифа бажарганидир. Ҳатто айрим халқларнинг, жумладан, хитой ва японларнинг ёзувининг ибтидосида тамғалар ҳам асос бўлган. Бугунги кунда бу халқлар ёзувлари таркибидаги кўпчилик белгиларни тамғалар ташкил қилади. Тамғалар, шубҳасиз, ёзувдан олдинги жараёндир.

Ёзувнинг пайдо бўлиши — шу заминдаги халқнинг тафаккур маҳсули. Қадимги туркий ёзув маданияти тўғрисида сўз кетганда, гап албатта туркий ёзувнинг ибтидосига бориб тақалади. Туркий тамғалар, бир томондан, ёзувнинг шаклланишига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, уруғларга мансубликни, уруғларнинг жўғрофий ўрнини кўрсатади.

Ота-боболаримиз табиат ҳодисаларида, фазовий жисмларда, ҳайвонот оламида, инсон масканларида, турли буюм ва қуроллларда ёзув учун асос бўладиган белгиларни қўйганлар. Масалан, туркий ёзувда ЎҚ ҳарфи бор, бу ҳарф ҳақиқатан камон ўқининг айнан ўзи. Ёки АЙ ҳарфи ярим ойга монанд, АТ ҳарфи эса отнинг танасига ўхшайди. АРТ - тоғ деган маънода бўлиб, икки томони тоғнинг чўққисига ўхшаш белги шу ном билан юритилади. Туркий ёзувнинг пайдо бўлишидаги бундай жараён унинг маҳаллий замин ҳаётига зич боғланганидан, тамғаларнинг ёзув шаклланиши жараёнидаги вазифасидан далолатдир. Шу боисдан туркий-рун ёзувининг пайдо бўлишидаги «оромийча-сўғдча» назарияни тамомила қайта кўриб чиқиш пайти етди. Бундан юз йил олдин Вильгельм Томсон VIII асрдаги туркий ёзувга таянган мийча-сўғдча» назариянинг остида илмий ҳақиқатдан кўра, сиёсий оҳанглар бордай. Ёзув билан ёзув ижодкори бўлган халқ ўртасига кескин айирма қўйиш, албатта, одамни ўз заминидан узиб олиб ташлаш билан баробар.

Тамғалар, чамаси, вақт ўтиши билан шаклий ўзгаришларга учрагану, лекин, моҳиятини сақлаб қолган. Туркий ёзув пайдо бўлгунга қадар тамғалар турли кўринишда мавжуд эди. Мавжуд далилларга қарағанда, тамғалар тошларга ёки сопол буюмларга ўйилган тасвирлардан иборат эмас, балки ўша буюмларнинг ўзидан иборат бўлган. Масалан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган тоғ эчкиси, бургут ва уларнинг тасвири ана шундай тамғалардан биттасидир.

Русиялик ва овруполик айрим олимлар тамғалар туркий қавмларнинг кўчиб юришидан далолат берадиган асосий ҳужжатдир, деган даъвони илгари сурмоқчи бўладилар. Лекин, Ўзбекистоннинг ўтроқлашган шаҳарларидан топилаётган тамғалар ўша далилларни рад қилмоқда. Фикримизнинг тасдиғи учун яна Қувага мурожаат этамиз.



1996-1998 йиллари Қувада олиб борилган археологик қазувлар пайтида туркий ёзувлар билан бир қаторда иккита белги туширилган хум гардиши ҳам топилди. Биз бу белгиларни ўрганиб, туркий тамғаларнинг намунаси деган хулосага келдик. Хум гардиши, шу объектни ҳолда юқоридаги назарияни, яъни туркий - рун ёзуви оромий-сўғд ёзувидан келиб чиққан, деган қарашни илгари сурган эди. Томсоннинг шунчаки, ҳали бир-иккита далилдан бошқа бирор тайинли далил бўлмаган пайтда айтган фикри эроншуносларга жуда қўл келди. Менинг назаримда, «оро-

қазиган археолог олим Боқижон Матбобоевнинг айтишича, VII-VIII асрга оид. Бугунги кунда Қува шаҳри бундан 2300-2400 йил олдин ўтроқ аҳоли маскани бўлганини археологлар Т. Ширинов, Б. Матбобоев, Г. Ивановлар тасдиқламоқдалар. Тамғаларнинг кўчманчилик билан асло алоқадор эмаслиги шундан ҳам аёндир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қувадан топилган мазкур иккита белгининг чап томондагиси тамға сифатида мамлакатимизнинг бошқа жойларидан ҳам топилган. Жумладан, Подоёнтоғ (Қашқадарё) ёдгорликлари орасида ҳам шу белги айнан хумнинг қорнига туширилган. Кейинги илгаксимон белги ҳам тамға бўлиши эҳтимолдан холи эмас, аниқроғи шундай. Тўрт сонига ўхшаш белги кейинчалик туркий ёзувда Р товушини, илгаксимон белги эса П товушини ифода этиш учун ишлатилган. Бу ёдгорлик милоддан олдинги III асрга оид экан. Археологларнинг берган маълумотларига кўра, бу ердан топилган ёдгорликлар шаҳарсозлик маданиятидан дарак беради.

Ўғузхоннинг ўғли Кунхон жорий қилган тамғалар, эҳтимол, ана шу кўринишда бўлгандир. Ҳар ҳолда, бу далиллар ва мулоҳазалар ривож топади. Зотан, халқнинг ўтмишига оид кичик бир далил келажак учун катта хулосаларга асос бўлади.

Насимхон РАҲМОНОВ,
профессор

ВАШИНГТОН: Бўрондан ҳаловат ахтараб...

ДИҚҚАТ, янги рукн: буюк сиёсатчи ва ислоҳотчилар

Биз тараққиёт билан юзма-юз турибмиз. Шундай аср бошланди — дунёни компьютерлар тўри ўраб олаяпти. Информатика... Бугун, шу лаҳзанинг ўзидаёқ содир бўлган ҳодиса ер шарининг бошқа бир бурчагида аён бўлиб турибди. Бугун қайси бир қитъада бошланган ёнғин Она-сайёрамизнинг бошқа бир жойида яшаётган одамларни ҳам ташвишга соляпти.

Бугун бир инсонга отилган ўқ бутун инсониятга отилгандир. Американи, Осиёми, Европа ё Африками, қайси ерда яшамасин, Инсон Она-заминни ўз уйим, хонадоним деб англаб етаяпти. Бугун ҳеч ким бир-бирига бегона эмас. Инсон ўз тақдирини замин қисмати билан чамбарчас боғлаяпти. Башарият олдида ягона битта йўл бор — Она сайёрамизни асраш! Курраи заминда, бир осмон остида яшаётган биз — инсонлар шу эзгу йўлдан юрсакгина барча хавф-хатарлар барҳам топади. Ўзимиз яратган цивилизация ҳам шоду хуррамлигимиз, омон-омон яшашимизга, униб-ўсишимизга хизмат қилади.

Замин битта. Инсон битта. Бир-бирига биродар!

Зикр қилсак, барча тараққий топган давлатлар танлаган йўллар ҳам моҳияти жиҳатдан узвийдир. Ўша давлатлар тепасида турган буюк арбоблар, сиёсатчиларнинг қарашлари, хатти-ҳаракатларидаги ўхшашликлар замирида эса ИНСОН ва ИНСОНИЯТ БАХТЛИ ЯШАШИ КЕРАК деган улуғ тушунча жо.

Биз бугундан бошлаб ер юзида анча илгарилаб кетган, шунга ҳаракат қилаётган мамлакатларнинг ва уларнинг озодлиги, мустақиллиги асосчиси бўлган, ўша давлатларни иқтисодий бўҳрон, ҳалокат жари ёқасидан асраб қолган, ўтиш даври қаҳрамонлари бўлган буюк инсонлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Чунки, ёрқин ва мангу осуда йўлни танлаган Она-Ўзбекистоннинг истиқлол даври, бугуни тарихида ҳам жаҳондаги тараққий этган Ватанларда бўлгани каби янги саҳифа очилганига ҳам 8 йил бўляпти.

Хуллас, ўз халқи ва мамлакати келажагини ЯРАТГАН арбоблар ҳаётига, улар яшаган замонга бир қур нигоҳ ташлаб ер шарининг бугуни ҳақида тутамли хулосага эга бўламиз, деган фикрга келдик. Ва, бу мажбурият «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари Қўчқор НОРҚОБИЛ ва Юсуф ЖЎРА зиммаларига юклатилди.

Бош муҳаррир

Биринчи Президентга осон бўлмайди

Жорж Вашингтон ўшанда 57 ёшда эди. Катта ҳаётий тажрибага эга, мулк эгаси, ҳарбий юришларда дийдаси қотган, иродаси мустаҳкам генералнинг давлат тепасига келиши Америка сиёсатида энг катта бурилиш ясади. Айтиш жоизки, озод ўлканинг, мустақиллигини қўлга киритган Американинг эртанги куни ана шу қаттиққўл инсоннинг зиммасига юклатилган эди.

Ҳаётнинг бешафқат ўйинлари кўп. Ўз эрки хоҳиш-иродаси измида кўнгилдагидай яшаш иштиёқи ботинида аланга олган буюк инсонларнинг ўз миллати ва Ватани олдидаги мажбурияти ҳам буюк бўлади. Юраги ушоқларнинг дарди ҳам ушоқдай келади. Тоғ юракларнинг елкасидаги юк олдида ўнлаб, юзлаб тоғларнинг оғири писанд эмас.

Тарих саҳнасига ҳамма ҳам чиқавермайди. Ёзиғида борларга раво бу. Миллат ва халқнинг отаси бўлиш, давлат мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, келажак ва Ватан қисматини порлоқ кўриш истагида йўлга тушиш, ортидан халқни эргаштириш, бу ишнинг нечоғли машаққатли эканини англаб, оғир-енгил лаҳзаларда собит туриш ҳисси билан яшай оладиган зотлар ҳар бир халқнинг бахти. Ҳар бир Ватаннинг саодати. Бундай улкан зотлар ҳар қайси миллатнинг тақдир пешонасига 100-150 йил ва ундан кўпроқ вақт орадиғида битилади. Буюклар ҳар доим туғилавермайдилар. Чунки, истиқлол ҳам бир марта қўлга олинади, қайтиб берилмайди. Шу озодликни ушлаб қолиш учун энг олий лавозимга сайланганлар ҳар бир мамлакат тарихида мангу қолади.

Американинг биринчи президенти Жорж Вашингтон тириклигидаёқ шон-шавкатга кўмилган, миллатнинг суюмли фарзанди бўлиб қолган, ўткир зеҳнли сиёсатчи сифатида тан олинган эди. Вашингтон ҳаётлик пайтидаёқ афсоналарга кўмилди. Мана, орадан 200 йилдан кўпроқ вақт ўтди-ки, бу инсоннинг номи тилдан тушмайди. Деярли ҳар куни эсланади. Доврўғи бутун ер юзи бўйлаб таралган. Америкада кўп-кўп жойлар Вашингтон номи билан эъзозланади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса океан ортида яшаб ўтган чексиз ботиний имкониятлар соҳиби бўлмиш Вашингтоннинг президентлик ўрнига чиқиш лаҳзаларидаги манзарани кузатайлик.

... Баҳорнинг ёруғ куни. Осмон тип-тиниқ. Файзли, тароватли кўчалар, уйлар, дов-дарахтлар алланечук сирдан огоҳ бўлгани каби сукунат қаърига ғарқ бўлган. Сирли сокинлик. Жимлик оғушига чўмган шаҳар одамлари даричалардан бошларини чиқарган кўйи нимаманидир интизорлик билан кутаяпти. Қудратли мамлакат тарихининг энг ажойиб куни деб саналган, давлат тараққиёти пойдеворига олтин ғишт ташланаётган баҳорнинг жозибадор бу кунида бутун бир миллат ҳаяжонда эди. Бугун Жорж Вашингтон қасамёд қабул қилади. У мамлакатнинг биринчи президенти бўлиб мустақил Америка тарихига ўз номини муҳрлайдиган кун бугун.

Мана у... Уолл-стрит кўчасидаги ҳашаматли Федерал-Холл биносининг кенг балконига чиқиб келди. Ёнида Нью-Йорк штати канцлери Р.Ливингистон. Канцлер тутган «Библия» муқовасига эгилиб лаб босаркан, ҳаяжондан титраган Вашингтон сўзларини оломоннинг қичқириғи, замбарақларнинг гумбирлаши, қўнғироқлар жаранги босиб кетди. Халқ ўз президентини ана шундай қарши олди. Бино ичкарисидаги муҳташам залда эса президентлик лавозимини эгаллаши муносабати билан у 20 дақиқалик маъруза қилди. Президент қаттиқ ҳаяжонда эди. Уни бир неча бор қалтироқ тутди. Ушбу нутқ олдидан у қанчалик тайёргарлик кўриб, матнни аввалдан қайта-қайта такрорлаган бўлмасин, ундаги саросима сезилиб турди. Залда тўпланган аёнларнинг эса кўзларида ёш қалқди. Ҳамманинг кўнглида бир тўлқин ғалаён қилар, миллат тақдири учун жавобгар, оғир қийинчиликларни бошидан кечириб эмин-эркин, ҳур ҳаётга йўл олган Американинг эртасини белгиловчи инсон қаршисида турган олий табақали аёнлар дилида Вашингтонга нисбатан хайрихоҳлик туйғулари жўш урарди.

Йиғинда иштирок этган сенатор Майклнинг таъкидлашича, ўша куни Вашингтон сенатнинг расмий баёнотига жавобан нутқ ирод қилган. Янги президент камзулининг ён чўнтагидан матн битилган қоғози олади. Сўл қўлида шляпа. Ўнгида эса ҳозиргина чўнтагидан олган қоғоз матнга кўз югуртириш учун қўлидаги шляпани сўл кўкрагига қисиб, баҳзўр кўзойнак солинган қутичани ушлайди. Қутичани очиб кўзойнакни тақиш учун эса президент анча уриниб қолади. Негаки, иккала қўли ҳам банд эди. Ва ниҳоят, қутичани темир суянчиқ устига қўйиб энгашган кўйи бир амаллаб очади-да, кўзойнакни тақиш уддасидан чиқади. Кўпчиликнинг ҳузурида айниқса, ҳозиргидай ҳолатда ўзини қўлга ола билиш осон эмасди. Катта муаммолар олдида довдираб қолмасликнинг илдизи майда-чуйда, арзимас бўлиб туюлган воқеалар қаршисида асабийлашмасликда деб қарашга одатланган ва буни инсон учун табиий бир хислат деб англаган Вашингтон фаолиятининг зарра бир кўриниши эди бу. Бироқ, бу зарраларга ҳаёт сўқмоғида дуч келинадиган тоғдай оғир юклар юкланса бўларди.

Президентликнинг дастлабки кунларидаёқ Жорж Вашингтон президент обрўси ҳаддан зиёд юқори қадрланмоғи керак, деб тушунди ва шундай тартиб ўрнатди. Президент ҳеч кимнинг ҳузурига бориб юрмайди, аксинча қабул қилади, шунда ҳам президент ёнига чақириладиган кишилар расмий доира вакиллари ва машҳур шахслар бўлиши керак, деб уқтирди. Бу ҳолдан ҳайратга тушган республикачилар президент ўрнатаётган тартиб Европадаги баъзи бир сарой андозаларига мос, деган хулосага кела бошлашди, айни пайтда, бошбошдоқликка чек қўйилганини ҳис этдилар...

Вашингтон президентлик лавозимининг бир ярим йилини Нью-Йоркда ўтказди, сўнгра эса 1800 йилга қадар АҚШнинг пойтахти Филадельфия деб эътироф этилди. Давлат аппарати қайтадан тасдиқланди. Сенат зиммасига президент томонидан тавсия этилган кишини юқори лавозимга тасдиқлаш вазифаси юклатилди. Юқори табақадаги ҳуқуқий ва ижро ҳокимияти фаолиятига аниқлик киритилди. Конституция бўйича Олий Суд фаолияти қайта кўриб чиқилди. Вашингтон суд машинасининг ғилдираги ҳаракатга келганини, бу жараён янги давлатнинг тақдир-аъмоли, тараққиёт мезони билан бевосита боғлиқ эканлигини англарди ва ўзида қониқиш ҳиссини туярди. Олий Суд штатлардаги судларга конституцияга амал қилган ҳолда иш юритиши учун кўрсатмалар бериш ҳуқуқини қўлга киритди. Хуллас, федерализм иши ишончли қўлларда эди.

Ўша пайтда сенатнинг президент ҳузурида, яширинча маслаҳатларда иштирок этиш-этмаслиги ҳақида турли хил мунозара-баҳслар бўлиб ўтади. Сенат раҳбари вице-президент бўлиши керак эди. Американинг бўлажак иккинчи президенти Жорж Адамс мазкур лавозимда турар, Вашингтон эса Адамсни ҳаддан зиёд ёмон кўрарди, ёқтирмасди. Шу сабабли бўлса керак, президент ўзини сенатдан узоқроқ тутди. Вице-президент жаноблари ўта муҳим, давлат аҳамиятига молик, президент билан бамаслаҳат ҳал қилинадиган ишлардан узоқлаштирилди.

Бир куни Вашингтон Мудофаа вазири Нокс билан сенатга кириб келди. Ҳинду қабилалари ҳаётига молик ўта муҳим масала муҳокама қилиниши керак эди. Яъни, ҳинду қабилалари билан тузилган шартнома лойиҳаси тасдиқланиши кўзда тутилган эди. Вашингтон тўғридан-тўғри келиб, ўзини мағрур тутган кўйи вице-президент Адамснинг ўриндиғига бориб ўтирди. Жаҳли чиққан, қовоғидан қор ёққан Адамс ижирғаниб залдан ўзига жой ахтаришга мажбур бўлди. Пинагини ҳам бузмаган Вашингтон Адамсга кинояли қараб қўйди. Хона деразаси ланг очиб қўйилди. Ташқаридан араваларнинг шақир-шуқури, отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳайқириғи, тўс-тўполонли ҳаёт эшитилиб турарди. Лойиҳани ўқиб, муҳокама қила бошладилар. Ичкари бақир-чақирга тўлди. Сенат аъзолари бир-бирининг гапини шарт бўлиб, фикр билдиришар, бошқаси бунисидан қолишмай овозини баландлатиб инкор қилар, хуллас, вағир-вуғур, шовқин-суронда ҳеч нарсани англаб бўлмай қолди. Бундан жаҳли чиққан Вашингтон ўрнидан сапчиб туриб кетди. Ичкаридаги шовқин-суронга лаънат айтиб, эшик олдига бориб бор овоз билан бақирди: «Бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин». Сўнг Сенат аъзоларини эсанкиратган кўйи эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Бироқ, орадан икки кун ўтиб, сенат аъзолари фикрини эшитиш мақсадида сенатга келди. Хуллас, президент сенатда кун бўйи ўтиришга мажбур бўлди. Сенатни базўр эшитиб ўтирди. Ва, тағин чиқиб кетаётиб: «Яна бир марта шу ерга оёғимни боссам ахмоқман...» деган сўзларни айтиб сўкинганини ҳамма эшитди.

Вашингтон ижроия ҳокимиятини кенгайтириш мақсадида давлат департаменти, молия ва ҳарбий вазирликларни тасдиқлади. Америка тарихида биринчи бўлиб давлат котиби лавозимига 46 ёшли Жефферсон, молия вазири этиб Гамильтон, ҳарбий вазир вазифасига эса Нокс тайинланди. Бош прокурор лавозимига Эдмонд Рандольф тасдиқланди. Рандольф конституцияни танқид қилган бўлса-да, Вашингтон у билан аввалгидай самимий муносабатда бўлди. Хуллас, шундай қилиб Америкада Вазирлар Маҳкамаси вужудга келди. Президент бир қарор ёки фармон чиқаришдан аввал маҳкама аъзоларини ҳузурига чақирар, кўзига тик қараб сўзлашар, сўнгра маҳкама йиғилиши хулосаси тингланарди.



Вашингтон оғир кечадиган йиғинлар, давлат аҳамиятига молик ишлардан холи бўлиб, яқинлари даврасида қолган кезлар шунчалар яйрардики, унинг хуш кайфияти бошқаларга ҳам кўчар, даврага енгиллик бахшида этарди. Унинг инсоний фазилатлари, бошқаларни ўзига жалб қилувчи илиқ хислатлари қаттиққўл, зиддиятли президент Вашингтоннинг ичида боладил Вашингтон яшириниб ётганини кўрсатарди.

Сиёсат қозонида қайнаётган, бошқарув ишлари жиловини қўлига олган Вашингтоннинг уйига онаси Мэри президентлик лавозимига ўтгандан бери сираям бормайди. Яъни, Вашингтон таъбири билан айтганда, уйи «Одамлар гавжум масканга» айланиб қолган эди. Ўз хатларида Вашингтон онасига шундай ёзади: «Уйимдан доимо меҳмон узилмайди. Олий табақали бу жаноблар ҳузурида доимо пўрим, байрамона кийинишингиз керак. Ёки уйқухонадан чиқмаслигингиз зарур. Шундай экан биринчиси Сизга ёқмайди, иккинчисини бажаришингизни мен истамайман». Бунда улуғ давлат арбобининг ҳам ҳал қилиши қийин, биз одоб доираси деб тушунадиган сарҳадларни, яъни, Америкача турмуш тарзини қудратли президент ҳам бузолмаганини кўрамиз. Америка, ўшандай киборий ва одоб тамойилларини ҳам ўзлаштириб олган, Британия чангалидан қутулиб чиққан, шу билан бирга ўз эркини, қонун-қоидасини қаттиқ ҳимоя қиладиган Америка ана шундай жиҳатларнинг уйғунлашуви орқали мукаммаллашиб бораётган Америкага айланаётган эди. 1789 йилнинг августида Мэри 83 ёшида рак касаллигидан вафот этди. Бу пайтда биринчи президент Нью-Йоркда эди. Она президент ўғлига битта ҳабаш аёлини қул тариқасида, кроват, тошойна, ёстиқ, иккита чойшаб, одеял, ер участкасини васият қилиб қолдиради. Эҳ, Америка! Америка! Унинг президент олдида ҳам, ўлим тўшагида ётган аёл қошида ҳам доимо ҳисоб-китобга ўрганган турмуш тарзи бор.

Ўша пайтлар Вашингтон атрофида турли хил гап-сўзлар айтилар, бироқ, бу одамнинг ботинида улкан бир уммон қудрати мавжудлигини ҳамма яхши биларди. Вашингтон шу куч туфайли ҳам Америкада иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни дадиллик билан амалга оширар, бу эса давлат тепасида айрим раҳбарларга сира ёқмасди. Масалан, Американинг иккинчи президенти Ж.Адамс Вашингтонни саводи пастликда айблайверарди. Лекин, ўша даврлар матбуоти Ж. Вашингтонни илоҳийлаштирар, шу билан бирга баъзибаъзида «ўппослаб» ҳам қоларди. Вашингтон суврати-ни маҳорат билан чизган Стюртга замондоши генерал Г.Ли президентнинг «Мен ўзимни қўлга олиб, ўз-ўзимни назорат қила билишимни рассом жуда яхши пайқабди» деган гапини айтади. Хуллас-калом Америка тепасида ҳар жиҳатдан назорати кучли, ўзини қўлга ола билган катта ер эгаси, ҳарбий, улуғ сиёсатчи, ислоҳотчи, довюрак ва зийрак, барча ҳислатларни ўзлаштирган, бир сўз билан айтганда, «Давлат отаси» номини олган Вашингтон турарди. Бу эса Американинг гуллаб-яшнаши учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Америка ишончли қўлда эди.

Суронли йиллар заҳмати

Вашингтон бадавлат плантатор оиласида таваллуд топди. Унинг болалиги тўкин-сочинлик, фаровонлик қўйнида кечди. Ўн беш ёшида ўқишни тугатди. 16 ёшидан муҳандис бўлиб ишлай бошлади. 1751 йил 19 ёшли Жорж катта мулк эгаси бўлди. Шу билан бирга майор унвонини қўлга киритди. Виргини ҳудудидаги ҳарбий қисмларнинг бирига қўмондон этиб тайинланди. 1755 йилда эса Франция тасарруфидаги Дюкен портига қилган экспедицияси муваффақиятсиз якунланди. Бундан кўнгли чўккан Ж.Вашингтон ҳарбий соҳани тиришқоқлик билан ўзлаштирди. Француз қўшинлари билан бўлган етти йиллик урушда қатнашди. Ҳарбийлик машаққатларини татиб кўрди. Полковник унвони билан Виржиниядаги ҳарбий қўшинлар бош қўмондони бўлди. Континентал конгресс аъзолигига сайланди. Шимолий Америка мустақиллигини қўлга киритиш учун бошланган урушда иштирок этди. Бош қўмондон лавозимида турган Вашингтон истиқлол учун олиб борилган урушда, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатди. Замондошлари кўз ўнгида мардлик ва жасоратни намоён қилди. Ташкилотчи, истеъдодли бош қўмондон сифатида шуҳрати мамлакатга ёйилди. Уруш тугаган кезлари олий табақадаги офицерлар, юқори лавозим эгалари, мулкдорлар, реакцион кайфиятдаги ҳарбийлар тил бириктириб, Вашингтонга тахтга чиқишни таклиф қилишади. Вашингтон бу таклифни қатъиян рад этди. Урушдан сўнг ўз мулкида, ерида иш бошлади. Қисқаси, моҳияти жиҳатидан мустақилликни қўлга киритиш учун олиб борилган кураш Америка тарихида демократик характерга эга инқилоб сифатида баҳоланди. Ва 1783 йилининг 3 сентябри Парижда тинчлик битими имзоланди. Англия АҚШ мустақиллигини тан олди. АҚШ конвент аъзолари — бўлажак президент Ж.Вашингтон, Жейпис Медисон, кўплаб бўлажак вазирлар, конгресс ва АҚШ Олий Суди аъзолари АҚШ конституциясини ишлаб чиқдилар. Бу ишнинг тепасида Вашингтон турди. Мустамлакачилик кишанлари емирилди. Озод ва ёрқин йўлда кетаётган Америка фуқаролари мен америкаликман, деган юксак туйғуни юрагига сингдира бошладилар. Бу заҳматли ва суронли йилларда Ватан ҳурлиги, мамлакат тарихининг янги саҳифалари очилаётган эди. Табиийки, Америка тарихининг ёрқин саҳифасини Ж.Вашингтон очди.

Тараққиёт йўлида собит турди

Ҳа, Вашингтон шундай ҳаётни танлади. Ёш мустақил Америка давлати озодлик учун олиб борилган кураш туфайли иқтисодий жиҳатдан чигал муаммоларга дуч келди. Уруш мамлакат иқтисодини издан чиқарди. Моддий қийинчиликлар юз берди. Ички ва ташқи савдо алоқалари тўхтаб қолди. Молиявий аҳвол оғирлашди. Ўша йилларда давлатнинг ички қарзи 42 000 375 долларга, ташқи қарзи эса 7 885 085 долларга тенг эди. Улар бўйича йиллик устама фоиз 2 415 996 долларни ташкил қиларди. Пул қадрсизланди. Мамлакатда пул етишмасди. Хуллас, иқтисодий таназзул жари ёқасида турган Американи ҳалокатдан асраш, қутқариб қолиш Вашингтон чекига тушди.

Урушдан кейинги йилларда иқтисодий таназзул тобора кучайиб бораверди. Товар айирбошлаш ҳаддан зиёд пасайиб кетди. АҚШдан Англияга экспорт қилинадиган товарлар 749 345 фунт стерлингдан 443 119 фунт стерлингга камайди. Импорт миқёси эса 3 679 467 фунт стерлингдан 1 603 465 фунт стерлингга тушиб қолди.

Фермерлар ҳаёти ҳалокатли эди. Нархлар кутилмаган кўрсаткичда арзонлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сув-текин бўлиб, фермерлар аҳволи қийинлаша бошлади. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бозорда бир қоп буғдойнинг нархи кўчадаги бир қоп тошнинг нархидан ҳам арзон эди.

Мамлакат бўйлаб фермерлар қўзғолон кўтардилар. Ана шундай пайтда бўлажак президент Вашингтонга генерал Жеймс Варнум қуйидагича ёзади: «Тўс-тўполонли бизнинг давримизда абсолют монархия ёки ҳарбий давлат ҳукмронлик қилиши керак. Бундай даҳшатдан қутулишнинг йўли шу». Вашингтон ўз навбатида Варнумга жавоб йўллади. «Кўплаб кишиларни ташвишга солаётган бугунги кунларда мен сиз ўйлаганчалик даҳшатни кўрмаяпман...»

1789 йилнинг 30 апрель куни президентлик лавозимини эгаллаган Вашингтон руҳиятидаги сиполик, ички вазминлик ва ташаббускорлик эвазига миллионлаб кишиларнинг онгига қўрқув солган иқтисодий бўҳрон ўз ечимини топа бошлади, мамлакат оёққа турди. Вашингтондаги куч-қудрат бутун бир миллат, президент атрофидаги барча кишиларни ҳам лол қолдиради. Шу ўринда давлат котиби Жефферсоннинг ундан президентлик сайловида иккинчи бор иштирок этишини сўраб, ёлвориб ёзган хатини эслаш кифоя. Ниҳоят, 1793 йилда Вашингтон номзоди тўлиқ қўллаб-қувватланди ва у иккинчи бор президентлик лавозимини эгаллади.

Вашингтон ва «Матбуот уруши»

Ҳаёт йўли теп-текис эмас. Инсон фаолияти давомида курашларга рўбарў келади. Мамлакатнинг биринчи президенти иқтисод, сиёсат йўналишида Американинг тақдири борасида нечоғлик қаттиққўллик билан, етук ақл измида иш юритмасин, табиийки, президентлик учун бўлган курашлар замирида унинг шуҳратини ерга уриш, керак бўлса, обрўсини тўкиб, шарманда қилишга уринишлар бўлди. Албатта, бу иш матбуот орқали юзага чиқди.

Америка матбуоти ҳақида сўз юритиш учун аввало, бир ғалати воқеани эсга олайлик: Американинг биринчи газетаси Янги Англия колонияси даврида вужудга келган бўлиб, эркин фикрга, кўз-кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар, шов-шувларга асосланган эди. У «Жамият воқеалари» деб аталарди. Қизиғи, газета тўрт саҳифадан иборат бўлиб, тўртинчи саҳифаси очиқ қолар, шундоғам уч саҳифаси қизиқарли воқеалар билан тўлиб-тошган газетанинг тўртинчи саҳифасига, яъни, бўм-бўш саҳифага ўқувчи шу лаҳзанинг ўзида, газетани қўлга олиб турган пайтида эшитган ёки кўриб турган янгилигини ёзиб қўярди. Хуллас, газетани ким қўлига олса, ўша бўш саҳифадаги очиқ жойни янгилик билан бойитарди. Қўлма-қўл бўлган газетанинг тўртинчи саҳифаси шу тариқа газетхон томонидан тўлгизиларди.

Ҳали мустақилликни қўлга киритишига 100 йилдан ортиқ вақт мавжудлигига қарамай матбуот иши анча тараққий топган Америкада Вашингтон президентлик қилган, айниқса, иккинчи бор бу лавозимни эгаллаган даврга келиб, «Америка отаси» га қарата тош отиб, шов-шув кўтариш газеталар учун шунчаки бир иш эди, холос.

АҚШнинг дастлабки газетаси «Юнайтед Стейс газет» номи билан 1789 йилда чоп этилди. Ва, сиёсий партиялар минбарига айланди. Сўнгра бу газетани Вашингтон маъмуриятининг молия вазири шахсан Александр Гомильтон назорат қиладиган, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган бўлди. Бунга жавобан 1791 йилда республика демократлар партияси фаоллари ташаббуси билан «Нэшнл газет» босмадан чиқа бошлади. Унинг бош муҳаррири Ф.Френо эди. Хуллас, ушбу иккала газетада нафақат мазкур партиялар (федераллар ва республикачилар)нинг давлат сиёсатидаги фаолияти, балки ушбу партиялар етакчиларининг бир-бирига нисбатан қарама-қарши фикрлари, таъбир жоиз бўлса, адовати ҳам акс этиб қолар, матбуот ҳокимиятни қўлга киритиш учун очиқ-ойдин жанг майдонига айланиб қолган эди.

1792 йилнинг ёзидан Америка матбуоти тарихида «шафқатсиз ўн йиллик» даври бошланди. Америка озодликка эришгандан бери ҳанузгача бунақанги даражада **«газеталар уруши»** юз бермаган. Ушбу ўн йилликдаги **«уруш»** ҳар қандай юраги метин, иродаси мустаҳкам кишининг ҳам ботинида оғриқ уйғотиши табиий эди. Бир газета Вашингтонни «Миллат отасига шон-шарафлар», «Вашингтон биз билан», «Вашингтон мустақил ватаннинг отаси», деб олқишларга кўмар, бошқа бири эса кўнглининг туб-тубига етиб борадиган даражада ҳақоратлар, жосусликда айблар, яъни, мустақиллик учун олиб борилган курашда англияликларнинг айғоқчиси бўлган деб ланъатларди. Вашингтон эса бу ҳақоратларни ўқир, тишини-тишига босар, ўзини қўлга олар эди. Аҳён-аҳёнда эса ўз дўстларига, атрофидагиларга, оиласига матбуот унинг устидан тўҳмат қилаётганини гапириб, куйиниб сўзларди. Бир куни ҳаддан ташқари ҳақоратга учраган Вашингтоннинг ғазабланиб турганини кўрган Жефферсон (давлат котиби) шундай эслайди: «Вашингтон ғазабда эди. У ўзини қўлга ола билмасди. Газетани менга кўрсатиб, «лаънати Френо» («Нэшнл газет»нинг бош муҳаррири) деб сўкинарди. Френо Вашингтон аёвсиз танқид қилинган газетадан 3 нусхани унинг ўзига «совға» тариқасида жўнатган эди...»

1793 йилдан Вашингтон президентлик фаолиятининг иккинчи муддати бошланиши билан деярли ҳар ойда «Нэшнл газет» томонидан танқидга учраб турди. Айниқса, унинг президентлик лавозимидан кетиш пайтида, 1797 йилнинг 4 мартида «Женерал эдвертайзер» газетасида сиёсий жиҳатдан шовшув бўларли мақола босилди. Унда «Бугундан бошлаб Жорж Вашингтон номи ўчиб кетади, шу билан Вашингтон тугади, бизнинг олдимизда эса янги давр очилди...» деган сўзларни ўқиш мумкин эди.

Ўз зиммасидаги масъулиятни ўтаб, президентлик лавозимини топширган Вашингтон эса уни ҳақоратловчи газеталарни ўқимаслик, уларга обуна бўлмасликни маъқул кўрди. Ушбу газеталарга эса ўзига хос, «жамият ахлоқига қарши борувчи бузғунчилар» деб баҳо берди.

Хуллас, тўфонлар шиддатига тенг ҳақоратли шов-шувлар буюк инсонни табора қатъиятлироқ бўлишга ундади.

...Қиш кунларининг бири. Изғирин. Ташвишлардан ҳоли Вашингтон ўз ерини отда айланиб юрарди. Ўша куни у аъзойи-баданини совуққа олдирди. Иситмаси ошиб уйга қайтди. Туни билан ҳарорати пасаймади. Эрталаб, 1799 йилнинг 14 декабрида бу тўс-тўполонли дунёдан кўз юмди. Унинг исми, шаън-шавкати, улуғ ишлари эса абадият билан юзма-юз келди.

Шон-шавкатли Вашингтон

У тириклигидаёқ «Америка халқининг отаси», «Америка отаси», «Илоҳий Вашингтон», «Буюк Инсон», деган олқишларга сазовор бўлган эди. 200 йилдан ошди. Вашингтон обрўси юксакларда парвоз қилмоқда.

Америка пойтахти — Вашингтон. 120 дан зиёд шаҳар ва қишлоқлар унинг номида. 7 та тоғ, 8 та дарё, 10 та кўл, 33 та округ, 9 та коллеж Вашингтон деб юритилади. У ҳақда бесаноқ асарлар яратилган.

Бу эҳтиром мангудир!

Миллат олдидаги инсоний бурчини адо этган, ўз мамлакатини ҳалокатлар бўронидан сақлаб қолган буюклар ҳеч қачон ўлмайдилар. Улар доимо қаҳрамонлик тимсоли бўлиб қолаверадилар!

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВга

Қадрдон бародарим!

ДОСТОНГА ХАТ

Улкан сўз санъаткори, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг севимли ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси («Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар») «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан нашр этилди.

Тўлепберген оғанинг ушбу шоҳ асари XX аср туркий халқлар адабиётида ўзига хос ўрин тутади. Қорақалпоқ халқининг III асрлик тарихини ўзида акс эттирган ушбу асар, миллат ҳақида, унинг босиб ўтган нурли ва зиддиятли йўли ҳақида ўқувчига тўла маълумот беради. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у ўз халқи тарихини қаламга олар экан адолатни ўзига мезон қилиб олади.

Асарнинг яна бир қимматли томони шундаки «Достон»га бугун бутун дунё бўйлаб етмиш йиллик юбилейи нишонланаётган, жаҳон адабиётининг йирик намояндаси Чингиз Айтматов мактуби сўзбоши ўрнида эълон қилинган.

Биз бугун ўқувчиларимиз ҳукмига Чингиз Айтматовнинг бародари Тўлепберген Қаипбергеновга ёзган ушбу мактубини «Достон» сўзбошисидан олиб эълон қилмоқдамиз.

Ҳар хил сабабларга кўра сенинг «Қорақалпоқ достони»ингни бафуржа ўқиб чиқишга ҳеч вақт тополмасдим. Ниҳоят, кечагина китобингни охиригача ҳузур қилиб ўқидим. Ростини айтсам, кейинги йилларда, айниқса, ўзим ишлаётган пайтларим тақдири азал ато этган умрнинг ҳар бир дақиқасини авайлаб-асрашга, ҳатто мутолаадан ҳам ўзимни тийишга ҳаракат қилаётирман. Назаримда, ўзинг ҳам худди шундай ташвишда юрган бўлсанг керак. Бизнинг ёшимизга етган одамлар (янглишмасам, келаси йили сен ҳам 70 ёшга тўласан) кўпроқ иш қилишни истайди. Шунга қарамасдан, сенинг «ёстиқдек» трилогиянгни ўқиб чиқдим. Ўқиганда ҳам ниҳоятда қизиқиб, очиқчасига айтсам, ҳузур қилиб ўқидим. Муаллифга, яъни сенга қорақалпоқларнинг уч асрлик (XVII—XIX асрлар) тарихини бадиий жиҳатдан ишонарли ва кучли акс эттириш насиб этганини кўриб, қувониб кетдим. Трилогияда тасвирланган халқ нисбатан кам сонли бўлса-да, теран тарихий илдизлари бор, шу кунгача ўзига хослиғини, бутунлигини, бетакрор миллий қиёфасини сақлаб қолган.

Мен ўз ҳаётимда кўплаб тарихий романларни ўқиганман. Аксарият тарихий асарларда чет эллик келгинди босқинчилар ёки жиззаки ҳукмдорлар душман тимсолида акс эттирилади. Сенинг «Достон»ингда эса бутунлай бошқа манзараларни кўрдим. Бунда халқ (Маманбий ҳам, Ойдўс бобо ҳам, Эрназар олакўз ҳам, бошқалар ҳам) ўзга миллат ва

1

уруғ-аймоқ вакилларини душман деб билмайдилар. Аксинча, душманлар ёнингда бўлади, улар сен билан битта тилда сўйлашадилар, кўпинча қўшни ўтовда яшайдилар. Афсуски, бундай ҳол барча туркий халқларга хосдир. Буни тарих ҳам тасдиқлайди. Қадимий битикларда туркий халқларнинг бирбирига қарши турғани, бир-бирига ёвлашгани тўғрисида ҳаддан зиёд мисоллар мавжуд. Бу бизнинг аждодларимизни камситиш ёки тарихимизни нотўғри баҳолаш учун асос бўлмаслиги лозим. Агар улар бир-бирларининг тимсолида ўзларини, маслакдошларини, қондошу жондошларини кўрганларида ва тан олганларида борми, XX асрда бизга бир-бири билан муттасил ёвлашадиган йиғирмадан ортиқ туркий халқлар хонлиги мерос бўлиб қолмасди. Қолаверса, турклар — салжуқийлар ўз ихтиёрлари билан Ватандан, Турондан бош олиб кетмасдилар. Шу заминда — отаюртда, Овруосиёнинг киндигида Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон билан бемалол бўйлашадиган буюк бир давлатга асос солган бўлардилар.

Ифтихор

Кўплаб такрорланган бошбошдоқлик ва хунрезликнинг асосий сабаби, менимча, уруғчилик, бир-бирини тан олмаслик натижасида рўй берган. Трилогияда акс эттирилган мисли кўрилмаган фожиа шундан иборатки, халқ ва унинг йўлбошчилари бир-бирларини тушунишни истамайдилар, ўзаро тил топиша олмайдилар. Охироқибат Маманбий, Ойдўс бобо, Эрназар олакўз каби халқ йўлбошчилари ўз уруғдошлари томонидан қатл этиладилар.

Менимча, Тўлепберген, бундай фожиаларни фалсафий талқин этиш борасида сен инсоний ва ахлоқий нуқтаи назардан минг бора ҳақсан: Бутун жаҳон тарихи кўрсатиб турибдики, ватанпарвар-йўлбошчи билан ўзини «халқ» деб аташга даъвогар бўлган оломон ўртасидаги тушунмовчилик, ихтилоф кўпинча даҳшатли фожиа билан якунланади. Бундай курашнинг бемаънилигини қорақалпоқларнинг маънавий раҳнамоси Мурод шайх биринчи бўлиб англаб етади. Том маънода халқнинг маънавий отаси бўлган шайх, том маънода ватанпарвар бўлган шайх уруғ йўлбошчиларининг калтабинлиги туфайли уларни ҳеч қачон муросага келтира олмайди. Муросаю мадорага имкон тополмаган, иложсиз қолган Мурод шайх ҳар қандай дин томонидан узил-кесил таъқиқланган, кўчманчилар орасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жазога ўзини гирифтор қилади — ўз жонига қасд қилади. Ўзини қудуққа ташлаб ўлдиради, қудуқни ҳам ҳаром қилади. Уруғдошларининг ахмоқлигини кўрмаслик учун, дастлаб, у ўз кўзларини ўйиб олади. Унинг дўсти Ўразан ботир эса бир-бирига ёвлашган қондош-жондош уруғдошларини яраштира олмагач, ноилож ўғли Маманнинг ўрнига ўзини қурбон қилади ва шу йўсинда ноўрин хунрезликка чек қўймоқчи бўлади.

2

Кўҳна Шарқ донишмандлари айтадиларки, энг аввало, инсониятга хос бўлган эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам ҳар куни одам ўзидан қидириши керак. Шундан кейингина ўзлигидан келиб чиққан ҳолда ўз халқининг моҳиятини қидириши ва тушуниши лозим. Айнан мана шундай талқин асосида кўп қатламли «Достон» қурилган. Назаримда, трилогиянинг куч-қудрати ҳам, маънавий қадр-қиммати ҳам ана шунда.

Мен ўхшатишни, айниқса, тарихий ўхшатишни ёмон кўраман. Чунки ўхшатишлар ўткинчи, сиёсий ёки мафкуравий конъюктурани (андозани) ифодалайди. Лекин, Маманбий қўшин бошида курашга отланган пайтда ўз халқининг қудрати билан душманга даҳшат солмоқчи бўлиб, кулгили ҳам қайғули ҳолатга тушиб қолганини эслатиб ўтмоқчиман. У орқасига қайриладию изидан эргашиб келаётган саккиз нафар чавандозни кўради. Бор-йўғи саккиз киши! Шунинг учун у ўз халқига паноҳ бўладиган буюк хонликларни, подшоликларни — дўст ва ҳомийларни излайди. Ҳатто шу мақсадда Петербургга, Елизавета Петровна ҳузурига бориб, ҳимоят ва ҳомийлик тўғрисида шартнома тузиб келади. Ёрлиқ олиб, Ватанига қайтади: энди у мағрур, чунки унинг орқасида саккиз нафар навкар эмас, балки буюк ва бепоён рус империяси турибди. Дафъатан ушоққина қўшни хонлик Маманбий юртига бостириб кираги. Бироқ, ваъда қилинган мадад келмайди. Лафзни ҳамма нарсадан устун қўядиган мағрур туркий ўғлон янатағин бош эгиб боришни ор деб билади ва ўз халқини эргаштириб қадимий Ватан — Амударёнинг қуйи оқими томон кўчишни, азоб-уқубатларни бошидан кечиришни афзал кўради. Бу ерда, Хоразм воҳасида кўчманчи халқ Ватан қуради, паноҳ топади.

Айрим тарихий шахслар бўладики, роман яратилмаса ҳам уларни бутун дунё билади. Сен бўлсанг, Тўлепберген, ўз трилогиянгда («Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар») кўҳна Инсоният Тарихи сўқмоқларида номлари ўчиб кетаётган, китобхонлар оммасига шу чоққача номаълум бўлган уч нафар фидокор қорақалпоқ — Маманбий, Ойдўс бобо, Эрназар олакўз қиёфасида баҳодирларнинг тимсолларини яратдинг. Надоматлар бўлғайким, бугун Орол фожиаси тиғида ўша баҳодирлар мансуб бўлган халқнинг ҳаёт-мамот масаласи долзарб бўлиб турибди.

3

Бу трилогия — улкан бадиий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор — қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича меҳр-муҳаббат билан яхши кўрадиган ёзувчининг қалб кўри билан яратилган. Тўлепберген, сен ало этган вазифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир.

«Достон» ёзганинг учун раҳмат! Минг афсуски, ҳозирги кунлардаги қийинчиликлар туфайли кўпчилик «Қорақалпоқ достони»ни қайта-қайта мутолаа қилиш имкониятига эга эмас.

Бародарлик саломи билан,

Чингиз АЙТМАТОВ.

Қулоқ тутар замин қаърига

Орамиздаги одамлар

Рустамжоннинг шўх ва шодон болалиги Нурота тоғлари бағридаги Қамаровул қишлоғида ўтди. Беғубор қалби билан юксак чўққилар, минг кўзли булоқлар сир-асрорини ўргангиси келди. Ҳар бир тош, ҳар бир гиёҳга ҳайрат билан боқди. Шу боис ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент политехника институти кон-металлургия факультетига ўқишга кирди. Ўқиш даврида устозларидан республикамиздаги фойдали қазилма бойликларни қидириш ва топишнинг назарий жиҳатларини пухта ўрганди.

1975 йил институтни тамомлаб Зармитан олтин конига ишга келди. Мана, қарийб чорак асрдирки, Рустам Хўжақулов шу ерда ўз куч ва билимини тўла намойиш қилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Зармитан дала қидирув экспедицияси қидирув партиялари раҳбари сифатида Нурота тоғлари бағридаги Ҳасанота, Қизилқум чўлларидаги Сартакчи ҳудудларида қидирув ишларини пухта олиб бормоқда. У фойдали қазилма бойликлардан тўлиқ фойдаланиш ва ўрганиш бўйича ўз хулосаларни билдириб: — фойдали қазилма бойликларни қидириш, игна билан қудуқ қазиш каби сермашаққат.

— Меҳнатимизнинг, амалга ошираётган ишларимизнинг нечоғлик зарур эканлигини юракдан ҳис қиламиз. Шунинг учун тўпланган маълумотларни чуқур таҳлил қилиб, хулоса чиқарамиз. Белгиланган маблағни тежаб, тергаймиз.

Ҳа, қалби бунёдкорлик ишқи билан ёниб, мустақил юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган Рустам акага ўхшаган инсонларнинг борлигидан қувонасан.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қизларда кўтаринки кайфият

SPORT

«Тошкент Оупен» халқаро аёллар теннис турнирининг ўзига хос муҳитда ўтказилаётгани унинг иштирокчиларида кўтаринки кайфиятни юзага келтирмоқда. Гап шундаки, мамлакатимизда Аёллар йили давом этаётган бир ҳолатда жаҳоннинг 21 мамлакатидан моҳир теннисчи қизларнинг ташриф буюргани ҳам бир мазмунга эгадир. Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган «Динамо» ўйингоҳининг дарахтлар билан ўралган сўлим майдончалари айниқса гавжум. Совриндорлик баҳси қоидасига мувофиқ 32 нафар теннисчи ютқазган ўйиндан чиқади тартибига риоя қилган ҳолда астойдил баҳслашмоқда.

Соврин учун курашувчи теннисчилар сафидан жой олиш учун саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган яна тўрт ўйинчи кучлилар сафига қўшилди. Жумладан, япониялик Нагатомининг омади юришди, десак бўлади. У саралашда Луиза Бектякова (Ўзбекистон)ни доғда қолдириб, асосий баҳснинг дастлабкисида унинг опаси Лилияни ҳам (6:2, 7:5) енгишга муваффақ бўлди. Зеро, умид боғлаганимиз Ирода Тўлаганова биринчи учрашувдаёқ ўзини кўрсатиб мухлисларни қувонтира олди. У голланд теннисчиси Седа Нурландер устидан 6:1, 6:3 ҳисобида устун келиб, курашнинг иккинчи босқичига кўтарилди.

Шунингдек, италиялик Флора Парфетти, Швейциядан келган Вавринец Мирослава, Австриядан ташриф буюрган Патриса Вартушлар ҳам дастлабки ғалабага эришиб, курашни давом эттирмоқдалар. Шу ўринда Вартушнинг Тошкент мусобақаларида икки марта муваффақият қозонганини ёдга олиш жоиздир. Яна белгиялик Куиртоис Лауренце билан словакиялик Тина Писниклар ҳам ғолибона юришни давом эттирмоқдалар. Бугун яккама-якка баҳслар бўйича иккинчи тур, жуфтликлар ўртасида дастлабки учрашувлар ўтказилади. Жума, шанба кунлари финалчилар аниқланиб, дам олиш куни ғолиблар маълум бўлади.



Суратда: Ирода Тўлаганова

Ҳайдар НОСИРОВ

«А» ҳарфли ўйланма

1. Геометрик шакл, ёпиқ эгри чизиқ. 2. Янги фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган миллий маросим. 3. Қадимий пойтахт шаҳар. 4. Авлоддан авлодга давом этиб келган урф-одатлар. 5. Қадимий транспорт воситаси. 6. Яқин киши. 7. Инсоний фазилат - шарм-ҳаё. 8. Туркия жанубидаги шаҳар. 9. Ғалла экини. 10. Раққоса, Ўзбекистон халқ артисти. 11. Торлари бармоқлар билан чертиб чалинадиган учбурчак шаклидаги мусиқа асбоби. 12. XVI аср охири XVII аср бошларида яшаб ўтган тарихчи ва шоир Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад ал-Бухорийнинг тарихий асари. 13. Африкадаги давлат пойтахти. 14. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодига оид Абулфазл Алломий томонидан ёзилган асар. 15. Театр ва кино санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти. 16. Доим яшил дарахт. 17. Мусиқали санъат асари. 18. Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун XVI асрда Туркияда тузилган изоҳли луғат. 19. Жанубий минтақаларнинг чўллик ҳудудларида тарқалган калтакесаклар оиласи. 20. Қўлда тўқилган йўл-йўл газлама. 21. Ҳиндистондаги шаҳар. 22. Дурадгорлик асбоби. 23. Японияннинг Хонсю оролидаги шаҳар. 24. Ғарбий ярим шарда жойлашган дунёдаги энг серсув дарё. 25. АҚШ жанубидаги штат. 26. Математик белги сифатида қўлланиладиган юнон алифбосидаги биринчи ҳарф. 27. Математика фани бўлими. 28. Техниканинг замонавий мукамаллашган соҳаси. 29. Эчкининг қимматли сержун зоти. 30. Қитъа. 31. VIII аср ўрталарида Хуросонда Умавийларга қарши кўтарилган қўзғалон раҳбари номи билан боғлиқ Шарқ мамлакатларида тўқилган афсоналар тўпламидан иборат халқ асари. 32. Ер куррасининг шимолий қутбини ташкил этган ҳудуд. 33. Илм-фанни мукаммал билган киши. 34. Саида Зуннунова поэмаси.

МУАММОНОМА

Очкич сўзлар қуйидаги ҳикматларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган.

1. Алишер Навоий:
Ким ақл йўлида тутса
маъво охир,
Тонг йўқ эл ичинда бўлса
4, 9, 6, 9 охир.
Фахм айламаги ҳар ишга
авло охир.
Ким ақл далилидур
мадоро охир.
2.Юсуф Хос Ҳожиб:
9, 5, 10, 3 кишининг
ақли унинг дўстидур,
Жоҳилнинг ўз номи
ўзига ҳақоратдур.
3. Кўнгил билан
тилни тўғри 8, 7, 8.
4. Кўнгил, тилни рост тут
ва хулқни гўзал,
Сенга дунё - 4, 2, 1, 3, 2, 8
келар ҳар маҳал.

Жавоб сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан қатакларнинг бўйига йўналишида ўқиш билан мутафаккир, мумтоз шоир Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий қаламига мансуб ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Техника» ўйланмасининг жавоблари:

1. Гусеница. 2. Агрегат. 3. Троллейбус. 4. Самосвал. 5. Лифт. 6. Ток. 7. Капот. 8. Трансформатор. 9. Радиатор. 10. Реактор. 11. Рефлектор. 12. Робот. 13. Триод. 14. Домкрат. 15. Телефон. 16. Насос. 17. Стартер. 18. Ролик. 19. Культиватор. 20. Реостат. 21. Транспортёр. 22. Рама. 23. Автоматика. 24. Автобус. 25. Стабилизатор. 26. Ретатор. 27. Розетка. 28. Анод. 29. Двигатель.

Рақамлар жуфтида: Автомобилсозлик



Гўзал рақс ва раққосалар

Ўзбек халқининг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, келажак авлодга бой маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятларимизни тарғиб қилиш, янги истеъдодларни кашф этиш ҳамда ёш раққосаларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида М. Турғунбоева номидаги Республика ёш раққос ва раққосаларининг кўрик-танлови йиллик якуни бўлиб ўтди. Ўзларининг чаққон ва маҳоратли ижроси билан «Ўзбекрақс» бирлашмаси «Лазги» ансамблининг раққосалари Наргиза Ҳожихонова, Қ. Миркаримовалар «Раққоса» ва эркин мавзудаги «Ўйна гўзал» рақслари учун олий совринни олиш бахтига муяссар бўлдилар. Биринчи ўрин эса «Хоразм наволари» дастасининг раққосаси Садоқат Ниёзметованинг М. Турғунбоева саҳналаштирган «Фарғона рубойиси» ва эркин мавзудаги «Сурнай наволари» рақслари учун берилди. Иккинчи ўрин Сирдарё вилояти «Дўстлик» рақс дастасининг раққосаси Назокат Қорахўжаеванинг М. Турғунбоева саҳналаштирган «Муножот» ва эркин мавзудаги «Ҳилол» рақслари ҳамда Мудофаа вазирлиги қошидаги «Турон юлдузлари» дастасининг раққосаси Шаҳноза Каримованинг М. Турғунбоева саҳналаштирган «Ўйнайсан» ва эркин мавзудаги «Билсанг» рақслари учун берилди. Учинчи ўрин Қашқадарё вилояти «Момоғул» фольклор этнографик дастасининг раққосаси Феруза Самиеванинг М. Турғунбоева саҳналаштирган «Тановар» ва эркин мавзудаги «Адирдаги учрашув» ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Аму тўлқинлари» дастасининг раққосаси Дилноза Пиржонованинг «Тановар» ва эркин мавзудаги «Тонг гўзали» рақслари учун берилди. Танлов ғолибларига Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекрақс» бирлашмаси ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ва пул мукофоти топширилди.

Фотима ЖУМАЕВА,
Маданият ишлари вазирлиги ахборот бўлими ходимаси

— Их, их, юрсанг-чи...

Абдурасул НАРДА олган сурат

«МАРНИТ»

Ўзбекистон — Словакия қўшма корхонаси

Словакияда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари — газмоллар, оёқ кийимлари, тиш порошоклари, кремлар, эркаклар, кўйлаклари, аёллар косметикасини таклиф этади.

Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.

ТЕЛ: 54-39-25

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот-Мўтти» студияси 1999 йил 24-25-26 июнда атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти НАБИ РАҲИМОВнинг ёркин хотирасига бағишлаб

«ҚИЗИКЧИ-99»

кўрик-танловини ўтказади.

Танловнинг 1-босқичида вилоятлар ва шаҳарларда 20 июнгача 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этадилар.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

Саҳналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» мукофоти совриндори Шерали Ҳожиев

Сўровлар учун тел: 41-08-61

Хоразм вилоят Хива туманидаги «Давронбек» хусусий фирмасига тегишли юмалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги «Хушнудбек» савдо ишлаб чиқариш фирмасига тегишли юмалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*, навбатчи *Фаррух ҲАМРОЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0440

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 2330
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА